

Бармоқ вазнида ёзилган шеърлар ижроси



Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Театр санъати факультети 201 – гуруҳ “Драма кино актёрлиги” бўлими талабалари томонидан 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.



Институт раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар ташриф буюрган тадбирда талабалар томонидан бармоқ вазнида ёзилган шеърлар маҳорат билан ўқилди. Баҳорни, хотин-қизларни тараннум қилувчи композициялар намоиш этилди.



Она-замин, гўзалликни мадҳ этувчи саҳна кўринишлари янгича талқинда йиғилганлар эътиборига ҳавола қилинди.

Матбуот котиби